

# Расулбек ПОЛВАНОВ

## ТИББИЁТ ИЛМИНИНГ ТОЖДОР ДАХОСИ

(илмий-публицистик очерк)

### (4-ҚИСМ)

Бутун хаёти давомида асосий касби шифокорлик бўлиб келган аллома қолдирган тиббиётга доир 43 та асарнинг бизгача етиб келган 30 та асардан 20 тадан ортиги тиббиётнинг умумий-назарий ва клиник бўлимларини қамраб олган.

Ибн Синонинг тибга оид энг йирик ва асосий асари, хатто умуман унинг ижодидаги шоҳ асари «Тиб конунлари»dir.

«Қонун» ҳақида гапиришдан олдин ибн Синонинг бизгача етиб келган бошқа тиббий асарларидан айримлари ҳақида эслаб ўтиш лозим:

«Уржуза фит-тибб» — Тиббиёт илмининг назариясига бағишлиланган шеърий достон;

«Китоб ул-қуланж» - («Ичак санчиқлари»);

«Китоб ул-набз»- («Томир кўриш ҳақида китоб»);

«Фуж ул-тиббийа жориа фи-мажлисих» — («Тиб ҳақида хикматли сўзлар»);

«Тадбир ул манзил» («Туарар жойнинг тузилиши»);

«Фил хиндубо» — («Сачратқи ўсимлиги ҳақида»);

«Рисола фи-дастур ит-тиббий» — («Тиббий қўрсатмалар ҳақида»);

«Рисола фи хифз ис-сиҳҳа» — («Саломатликни сақлаш ҳақида рисола»);

«Йилнинг тўрт фаслига оид тиббий уржуза»;

«Тажрибадн ўтган даволар ҳақида уржуза»;

«Шахвоний қувват ҳақида рисола»;




«Сафарда юрувчиларнинг тадбири ҳақида рисола»;

«Сиканжубин ҳақида рисола»;

«Қон олиш ҳақида рисола»;

«Иситмалар ва шишлар» ва х.к

«Қонун» ҳақида гап борар экан, аввало бу асар қачон ва қаерда ёзилган, — деган савол туғилади. Ибн Синонинг ўзи бу ҳақда хеч нарса демайди. Аммо 25 йил ундан ажралмай бирга бўлган энг яқин шогирди ва дўсти Абу Убайд Жузжонийнинг гувоҳлик беришича, ибн Сино «Қонун»нинг биринчи китобини Журジョンга келгандан кейин, яъни 1012 йилдан бошлаб ёзишга киришади. Албатта, «Қонун» каби катта хажмли қомусий характердаги илмий асарни ёзиш учун олдиндан тайёргарлик кўриб келинган






бўлиши керак, шунинг учун ибн Сино ҳам ҳали Бухоро кутубхонасида муртоала қилиб юрган йиллари ва кейинчалик Хоразмда истиқомат қилиб, «Маъмун Академияси»да илмий-амалий фаолият олиб борган чоғларидаёқ материал йифиб юргани шубҳасиздир. «Ўрта Осиёлик машҳур фан ва маданият арбоблари билан олиб борган мубоҳиса ва сұхбатлари –деган эди



В.Н.Терновский, — ибн Синогача илмий фаннинг бир канча соҳалари, ҳусусан тиб илми бўйича билимини чукурлаштиришга ёрдам берди»<sup>[1]</sup>. Ибн Синонинг Хоразмда олиб борган муолажалари ҳам бунда катта рол ўйнади. «Қонун»нинг қолган китобларини Рай ва Хамадонда эканида (1015-1024 йиллар) ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор.

XI асрнинг биринчи чорагида юзага келган «Қонун»нинг турли котиблар томонидан кўчирилган кўп сонли қўллэзма нусхалари тезлик билан тарқала бошлиди ва кўп ўтмай мавжуд барча тиббий асарларни, ҳатто Абу Бакр Розий ва Али Ибн Аббос Мажусий каби машҳур кишиларнинг китобларини ҳам сиқиб чиқара бошлиди. Чунки бу асар ўз давридаги табобат фанининг муфассал қомусидан иборат бўлиб, ундан инсон соғлиги ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган эди. Олдинлари табобат асосан хунар хисобланар ва у билан шуғулланувчилар назарий масалаларга унчалик аҳамият бермасдан уни амалда қўллаш билангина чекланар эдилар. Ибн Сино эса медицинани фан даражасига кўтарди ва унинг ҳам амалий ҳам назарий масалаларини чукур ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида «Медицина» сўзининг ўзи ҳам унинг номидан, яъни ибн Сино-Мадади Сино-Медицина тарзида келиб чиқсан деган ибора юради.

XII асрда яшаган адабиётшунос олим Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола» («Тўрт мақола») номли асарининг табобатга бағишиланган тўртинчи мақоласида бу фанини яъни тиббиёт фанини эгаллаш учун муртоала қилиш лозим бўлган китобларнинг





рўйхатини келтириб, охирида шундай дейди: «Агар кимки буларнинг барчасига бўлган эҳтиёждан кутилмоқчи бўлса, «Қонун» билан кифоялансин. Мен айтганларимнинг ҳаммаси яна кўп бошқа қўшимчалар билан бирга «Қонун»да топилади. Кимки «Қонун»нинг беш жилдини ўрганиб чиқса, унинг учун табобат илмининг асослари ва умумий масалаларидан бирон нарса яширин қолмайди, чунки агар Буқрот (Гиппократ) ва Жолинус (Гален) тирилиб қолсалар, бу китоб олдида сажда қилишлари лозим бўларди»[2].

Китоб 5 та мустақил катта асардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил ва ҳар томонлама ёритиб беради:

«Қонун»нинг биринчи китобини хозирги замон ички касалликлар пропедевтикаси дарслигига тенглаштириш мумкин. Турли юқумли касалликлар келиб чиқиши ҳамда тарқалишида ифлосланган сув ва хавонинг роли катта эканлигини уқдириб, касалликларни олдини олиш яъни профилактика мақсадида сувни қайнатиб ёки фильтрлаб ичишни

тавсия қиласи. Жумладан, сув ва хаво орқали касаллик тарқатувчи кўзга кўринмайдиган «майда ҳайвонотлар» ҳақидаги фикрни олға суриш билан ибн Сино Луи Пастердан деярли 8 аср олдин юқумли касалликларни кўзғатувчи микроблар тўғрисидаги фикрни асослаб, буюк кашфиётлар қилди.

«Қонун»нинг оддий дориларга бағишлиланган иккинчи китобида 811 га яқин дорининг ҳусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилган.



Учинчи китобда, айрим аъзоларнинг (хатто соч, тирноқлар) касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён этилади. Бу китобда бош, мия, нерв, кўз, қулоқ, бурун, томоқ, қорин, тиш, юрак, меъда, жигар, буйрак касалликлари батавсил таҳлил қилинади, уларни даволаш йўллари кўрсатилади, хатто, акушерлик масалалари ва аёллар касалликларига тўхтаб ўтилади. Шунинг учун уни маҳсус поталогия дарслиги деб атаса бўлади.



«Қонун»нинг тўртинчи китоби организмнинг умумий касалликларига бағишланган, унда иситмалар, ўсмалар, уларнинг сабаби, хирургик касалликлар (суяқ синиши, чиқиши ва жарохати) ва уларни даволаш усууллари, ҳар хил дорилардан заҳарланиш ва бунда кўриладиган чоралар тўғрисида маълумотлар берилган, чечак, қизамиқ, махов, тоун, вабо ва бошқа юқумли касалликлар тасвир этилади, косметика ҳақида ҳам анча тўлиқ маълумот берилади.

«Қонун»нинг бешинчи китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усууллари баён қилинган. Бу китоб доришунослик илмига – фармакологияга бағишланган.

«Қонун» Шарқда ҳам Ғарб мамлакатларида ҳам шу қадар юксак аҳамиятга молик бўлиб кетдики, энди табобат илмини усиз тасаввур қилиб бўлмасди. «Тиб қонунлари» — талаба ва шифокорлар столида доимо турадиган китобга айланди.

Бу ажойиб асарнинг мислсиз аҳамияти фақатгина тугал бир назарий системага асосланганлиги ёки жуда кўп оригинал амалий принципларни амалиёт учун тавсия этишдагина эмас, балки, алломанинг «Тиб қонунлари» асари VI аср давомида Европада тиббиёт соҳасидаги бирдан-бир дарслик бўлиб хизмат қилган асар сифатида юксак маданиятли Ўрта Шарқи шароитида ривожлантирилган, антик медицинанинг асосий принципларини хозирги замон медицина фанининг клиника ва диагностика, профилактика ва терапияга оид тармоқлар билан туташтирувчи тарихий бир ҳалқа вазифасини ҳам ўтайди. Унинг фундаментал амалий хulosалари тиббиётнинг турли соҳалари: анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, гигиена, акушерлик ва гинекология, педиатрия, экология, геронтология, юқумли касалликлар, сил касаллиги, айрим касалликлар диагностикаси ва семиотикаси, диетология, мусиқатерапия каби кўпгина йўналишлар ибн Сино талқинида бир қанча янги ихтиrolар билан бойиди, кашф этилганлари эса янги босқичга кўтарилди.

Ибн Сино асарлари Европада XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима этила бошланди. «Тиб конунлари» асарини узи лотин тилида 30 мартадан ортик нашр килинган. Бугун биз бутун олам шифокорлари табибларнинг улуг устози Абу Али ибн Синонинг араб тилида битилган «Тиб конунлари» асарини ўз она тилимизда ва бугунги алифбода ўқиш бахтига мұяссар бўлдик. Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан 1958-1964 йилларда «Тиб қонунлари»нинг 5 жилдли китоби ўзбек ва рус тилларида биринчи бор нашр этилди. Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги мұносабати билан ушбу асар ўзбек ва рус тилларида 1981-1983 йилларда қайта нашр қилинди.

## ХУЛОСА УРНИДА



Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан кейин буюк юртдошимиз Абу Али ибн Сино асарлари қайта тирилди десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ибн Сино» халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги 1999 йил 6-январдаги фармони ҳамда Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1999 йилги 23-апрелдаги бўйруғи бунга яна бир ёрқин мисолдир.


Яна бир муҳим тадбир, Узбекистондаги барча тиббиёт олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув дастурларига Абу Али ибн Синонинг тиббиёт фани бўйича қилган ишларидан тегишли маълумотлар киритилиб, буюк ватандошимизнинг таълимотини талабаларга етказиш ва замонавий ўқув жараёнига тадбиқ қилишниши айни муддао бўлди.

Ўсимликларнинг биринчи таснифини яратган табиатшунос Карл Линней доимо яшил булиб турувчи бир усимликни ибн Сино шарафига «Авиценния» деб атади;

Дунёда биринчи марта Республикамиз худудида топилган минерал ибн Сино номи билан «Авиценит» деб аталди;

Тожикистанда фан соҳасида катта ютукларни тақдирлаш учун ибн Сино номидаги Республика давлат мукофоти таъсис этилган.

Халқаро ЮНЕСКОнинг ижроия кенгаши томонидан фан ва технологияда этика соҳасида ахамиятга молик ютукларга эришаётганларни тақдирлаш макдиди мукофот таъсис этилган булиб, мукофотга буюк Ватандошимиз Абу Али ибн Сино шарафига Авиценна номи берилган.



Ха, Шарқда «Шайхур-Раис» ва Ғарбда эса «Авиценна» номи билан машхур бўлган буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино абадул-абад биз авлодлар қалбини фаҳр ва гуур ҳис туйғулари билан ёритиб туражак.

[1] Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов, «Ватан тарихи», Тошкент, 1997 й

[1] В.Н.Терновский. Ибн Сина., Москва, 1969 г

[2] Абу Али ибн Сино, «Тиб конунлари», 1-жилд, Тошкент, 1981 й